



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 22 май 20 (300) ● Сотувда нархи эркин

## НАЗОРАТ САМАРАЛИ БЎЛСИН

Давлат Алоқа Назорати Кенгашининг жорий йил тўрт ойлик иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев, «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Т. М. Бикметов, «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси бош директори ўринбосари Қ. Т. Тулебоев ва агентликнинг мутахассис раҳбарлари ҳамда вилоят алоқа назорати бошлиқлари шитроқ этилди. Жорий йилнинг тўрт ойлик иш якунлари тўғрисида Давлат Алоқа Назорати бошлиғи Ф.М.Зиёев ахборот берди.

Давлат Алоқа Назорати бошчилигининг ахборотига кўра, ўтган мuddат ичида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан келишилган ҳолда телекоммуникация соҳасида бир юз йигирма саккизта, почта соҳасида етмиш учта текшириш ўтказилган. Ана шу текширишлар жараёнида кўплаб камчиликлар аниқланди. Мувофиқлик сертификати бўлмаган ўн тўртта юридик шахс аниқланиб, уларнинг олтинчиси матбурий жавобгарликка тортилди. Шу билан бирга Электромагнит Мослашув Марказининг рухсатномасиз фаолият кўрсатган саккизта лицензия, олтинта юридик шахс ҳамда лицензиясиз фаолият кўрсатган олтинта ҳужайлик юритувчи субъектлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Текширувлар натижасида жойларда муҳандис-техник мутахассислар дебитор қарзларини йиғишга жалб қилинаётгани сабабли маҳаллий телефон алоқаси соҳасида хизмат кўрсатаётган лицензиялар ва уларнинг филиалларида лицензия шартлари тўлиқ бажарилмаётгани ҳамда телекоммуникация воситаларини техник эксплуатацияси қонқарсиз олиб борилаётгани маълум бўлди. «Жиззах телеком» шўба корхонасининг ўн битта туман филиалларидан тўрттасида шаҳарлараро ва халқаро автоматик телефон алоқа хизмати ташкил этилмаган.

Вилоятнинг саксон олтинта қишлоқ автомат телефон станцияларининг фақат ўттиз саккизтасигина туман марказий АТСлари билан автоматик равишда боғлана олади, холос. «Жиззах телеком» шўба корхонаси филиаллари, «Қашқадарё телеком» шўба корхонасининг 3, 4, 5-АТСлари, Китоб, Шаҳрисабз, Нишон, Қосон, Чирқоқи, Яккабоғ филиаллари, «Сурхон телеком» шўба корхонасининг Узуи, Сарисис, Денов, Олтинсой филиаллари, «Самарқанд телеком» шўба корхонасининг Жомбой, Гузалкент, Тойлоқ, Иштихон, Қўшработ, Каттақўрғон филиаллари, Хоразм вилоят электралоқа корхонасининг Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Хонқа электралоқа боғламалари ҳамда «Сирдарё телеком», Ҳўжнинг Фарҳод бўлимида 12 та қишлоқ автоматик телефон станциялардан 11 таси, Меҳнатободда 8 тадан 7 таси, Деҳқонободда 10 тадан 5 таси, Оқ олтинда 8 тадан 5 таси туман марказий АТСлари билан автоматик боғланишга эга эмас. Барча текширилган корхоналарда жорий ва капитал таъмирлашлар режасиз, яъни носозликлар вужудга келгандагина амалга оширилади.

Анджон, Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Нукус ҳамда Тошкент шаҳрида мавжуд жамоат телефонлари, яъни таксофонларнинг фақат 33-48 фойзигина ишлайди. Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирилмаси ва унинг филиалларидаги магистрал кабелларида носозликларнинг умумий сони кўпайган. «Ўздунробита» кўшма корхонаси ва унинг Қарши, Самарқанд, Термиз филиалларида ўтказилган текширишларда кўрсатилган алоқа хизмати сифат меъёри бузилгани, ишлаёт-

ган қурилмаларга мувофиқлик сертификатлари мавжуд эмаслиги, алоқа боғланишдаги йўқотишлар миқдори меъёрдан юқорилиги, фуқароларнинг мурожаатларига эътибор сустиги аниқланди. «Камалак-ТВ» қўшма корхонасида лицензия келишуви шартларининг 1,4 банди, яъни 1998 йилгача яқка радио қақрув (пейжинг) алоқасини барча вилоят марказларида ишга тушириш шarti бажарилмаган.

Текширишлардан маълум бўлишича, вилоят почта ҳиссалорлик жамиятлари, уларнинг филиаллари пул маблағлари ва почта жўнатмаларининг сақлашига доир меъёрий ҳужжатлар билан таъминланмагани, почта ходимларини ўқитиш сусти олиб борилаётгани, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси буйруқлари ижрозиларга ўз вақтида етказилмаётгани, меъёрий ҳужжатлар талаби бажарилмаслиги сабабли почта алоқаси хизматидаги сифат таъминланмаётган.

Почта қутилариининг ҳисоботи Қўқон (Фарғона), Норин (Наманган), Томди (Навоий) филиаллари ва «Қашқадарё почтаси» ҳамда «Жиззах почтаси» ҳиссалорлик жамиятларида олиб борилмаган ва бир неча йиллардан буён қайта рўйхатдан ўтказилмаган. Қармана (Навоий), Чимбой, Қўнғирот (Қорақалпоғистон Республикаси), Денов, Учқизил, Ангор, Бойсун, Шеробод (Сурхондарё) филиалларида почта алмашувлари ҳафтасига беш марта ўрнига уч марта ташкил этилган. Бу жойларнинг шароити ушбу меъёрий қайта белгиланиши зарурлигини кўрсатмоқда. Боевут (Сирдарё), Каттақўрғон (Самарқанд), Памук (Қашқадарё), Хужабод (Анджон), Томди (Навоий) почта филиалларида туман ички йўналишларида почта алма-

(Давоми 2-бетда)



«Тошкент почтамити» очик турдаги акциядорлик жамиятининг Шайхонтохур туман филиалига қарашли 21-почта бўлими телеграфчиси Любовь Ивановна ЛАПШОВА ишлаб чиқариш режаларини мунтазам бажариб келмоқда.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ҚОЙИЛ, САМАРҚАНДЛИК АЛОҚАЧИЛАР!

Волейбол бўйича республика олий лига эркаклар жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақада «Самарқанд телеком» шўба корхонаси волейболчилар жамоаси чемпионлик унвонини кўлга киритди. Улар халқаро мусоба-

қаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Самарқандлик алоқачи-спортчиларни юксак муваффақиятлари билан самимий табриқлаб, бўлғуси мусобақаларда омад тилаймиз.

## ТЕЗКОР ВА КАФОЛАТЛИ

Қорақалпоғистонда тезкор ва кафолатли телефон алоқасини ривожлантиришга жиддий эътибор берилётган. Жумладан, Нукусда бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 33 минг рақамга мўлжалланган электрон станциялар ўрнатилди.

Республиканинг Тўртқўл, Беруний, Бўстон, Тахиятош,

Хўжайли, Ҳалқобод, Қўнғирот шаҳарлари, Нукус ва Кегейли туманлари марказларидаги телефон станциялари янгиланмоқда. Нукус шаҳри билан кафолатли алоқа ўрнатиш мақсадида 260 километрдан кўпроқ линия тортила бошланди. Бу ишда япониялик мутахассислар яқиндан ёрдам бераётган.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

- Матбуотда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг устурут минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» халқаро конференцияси иштирокчиларига табриқномаси эълон қилинди.
- Ўзбекистон халқ ёзувчиси О. Ёкубов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.
- Красноярск ўлкаси губернатори лавозими учун ўтказилган сайловларда Россия

- Хавфсизлик кенгашининг собиқ котиби, генерал Александр Лебед галаба қозонди.
- МДХ тинчликни сақлаш кучларининг Тожикистонда бўлиш мuddати яна ярим йилга узайтирилди.
- Хитой мамлакатни компьютерлаштириш суръати бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. 1997 йили мамлакатда 3,5 миллионга, бир йил аввалгидан деярли икки баравар кўп шахсий компьютер сотилди. Бу йил компьютерлар сотиш камида яна 50 фойзга

- ортиши мўлжалланмоқда.
- Индонезия Президентини Суҳарто миллий телевидение орқали қилган мурожаатида унинг истеъфода чиқishi мамлакатдаги иқтисодий муаммоларнинг ечилишига хизмат қилмаслигини таъкидлади. Индонезия талабалари ва генераллари президент Суҳартонинг истеъфосини талаб қилаётган бир пайтда мамлакатнинг қуроли кучлари Индонезия раҳбарини қўллаб-қувватлашмоқда.

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига иккинчи ярим йиллик учун обуна давом этмоқда.

ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 40 сўм,  
3 ойга 120 сўм,  
6 ойга 240 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227.

Ташкилот ва корхоналар учун:

1 ойга 50 сўм,  
3 ойга 150 сўм,  
6 ойга 300 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.

ҲУРМАТЛИ ОЎҚУШЛАР, «ХАВАР» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!



# НАЗОРАТ САМАРАЛИ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

шув метрлари бажарилмаган. Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий вилоятларида хатларини почта кутубхона олишида метрлар бузилган.

Нафақаларни тўлаш учун юборилган мадад пулларини бош хазира ва алоқа бўлимида метрдан ортқича сақлаш, касса юритиш қондаларига тўлиқ ривож қилмаслик Беҳробот (Навоий), Денос, Кумкўрғон, (Сурхондарё), Богот (Хоразм), Олтиариқ (Фарғона), Марҳамат (Андижон), Бўка (Тошкент) филиалларида аниқланди. «Пенсия ва нафақаларни тўлаш тўғрисидаги қўлланма»нинг бузилиши ва бегона шахсларга қаролат хатларини нафақалар тўлашичи Чимбой, Кўнғирот, Тахиятош (Қорақалпоғистон Республикаси), Зафаробод (Жиззах), Бўка (Тошкент), Хива (Хоразм), Томди (Навоий), Бобўст (Сирдарё), Хонобод (Андижон), Чироқчи, Қамашчи (Қашқадарё) филиалларида 12-25 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи ичида Давлат Алоқа Назорати телекоммуникация соҳаси бўйича 16 та, (шундан 13 таси Тошкент шаҳар телефон тармоғи ҳиссдорлик жамиятига, биттадан «Камалак-ТВ» кўша корхонаси, «Тошкент телеком» ҳиссдорлик жамияти ва «Самарқанд телеком» шўбба корхонасига тегишли) почта алоқа соҳаси бўйича эса 6 та ариза-шикоятлар тушган. Ана шу ариза-шикоятлардан 20 таси асосли деб топилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Хуллас, Давлат Алоқа Назорати ходимлари ўтган тўрт ой ичида олиб борган текширишлари натижасида юқоридаги хато ва камчиликларни аниқлашди. Шу ўринда назоратчилар ишини ҳам етарли деб бўлмайди. Йиғилишда бу ҳақда очик-ойдин гаплар айtilди. Жумладан, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабов назорат текширувларининг самараси, таъсири сезилмаётгани ҳақида

ташвишлиниб гапириб, таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

— «Сен менга, мен сенга тегмайман» қабилида ишлаш вақти ўтди, — деди А. Ҳ. Жўрабов. — Шу боис ҳам назоратчилар жойлардаги ҳақиқий шароит билан танишиб, оқилона иш юритмоқлари керак. Тўғри, ҳали назоратчи ишига бефарқ, совуққон раҳбарлар бор. Аммо назоратчи собитқадам бўлиб, виждонан ишлаши зарур. Ишда самара бўлиши учун Давлат Алоқа Назорати ходимлари «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси ва шу каби алоқа корхоналари мутахассислари билан ҳамкорликда ишламоғи, вилоят давлат алоқа назорати бошқалари жойлардаги алоқа корхоналари кенгашларига аъзо қилиниши зарурдир.

Шунингдек, агентлик Бош директори текшириш учун бордиқан назоратчининг ўзи аввало билмидон бўлиши ҳақида гапириб, Давлат Алоқа Назорати ходимларини имкониятга қараб чет элдан ўқитиб, малакасини ошириш ва бу борда ДАН раҳбарияти зарур чора-тадбирлар белгилаб, ўз таклифларини билдириши лозимлигини уқтирди. Агентлик раҳбари йиғилиш аҳди эйтиборини ҳали-ҳанузгача назоратчиларнинг махсус иш кийимлари йўқлигига қаратди.

Музокараларда Сурхондарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари давлат алоқа назорати бошқалари Ж. Муротова, Ш. Тойиров, Ҳ. Мамедов, «Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи уринбосари Т. Бикметов, Тошкент шаҳар давлат алоқа назорати бошқали А. Рўзметовлар сўзга чиқишди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ҳамда келгуси вазифалар белгилаб олинди. Бу вазифаларнинг нечоғли амалга оширилиши ягона одил ҳакам — ВАҚТ кўрсатади.

**Абдугани АБДУРАҲМОНОВ**

Ҳозирги бозор иқтисодиёти барча жабҳаларда омиликорлик билан ишлашга ундамоқда. Буни тушуниб етган «Сурхон телеком» шўбба корхоналари жойларда ишни янгича ташкил этиб меҳнат қилишмоқда. Ҳўш, бу орада шўбба корхонасининг Музабот тумани филиалида қандай ишлар амалга ошириляпти? Муҳбиримиз туман филиали директори Сафар ТОШБОВЕВ билан сўхбатлашди.

— Сафар ака, айтингчи, қорхона мақоми ўзгаргач, ишлаш қийин бўлмаяптими?

— Албатта, ҳар битта ишнинг қийин ва осон томонлари бор. Қорхона мақоми ўзгаргач, биз ишни янгича услубда ташкил этдик. Ҳар бир ходимни малакасига қараб ишга қўйдик. Ҳозирги кунда ишни «2010 йилгача республика телекоммуникация тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури» асосида ташкил этганимиз ва шу асосда ишляяпмиз.

— Қорхонада ходимларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Ишчи-ходимларимизга яхши шароит яратиб берганмиз. Уларнинг ҳар қандай ташвишларидан доимо хабардормиз. Йил бошида ойлик маошлари беш минг сўмдан кўп бўлди.

— Туманда аҳолига телефон хизмати кўрсатиш қай даражада? Қандай муаммолар, қийинчиликлар бор?

— Туманимиз худуди анча

## КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

кенг. Бир томони Афғонистон ва Туркменистон давлатлари билан чегарадош. Туманда 90 мингга яқин аҳоли яшайди. Икки мингга яқин телефон нуқталариимиз бор. Бу албатта аҳоли талабини тўла қондиради деган гап эмас. Япониянинг «НЭК» фирмаси билан тузилган шартномага асосан вилоятимизга замонавий алоқа асбоб-ускуналарини келтириб, эски АТСларни янгисига алмаштиришни режалаштирганмиз.

— Қорхонада узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар ҳам борми?

— Ҳа, албатта бор. Бундай ходимларнинг ҳол-ахволидан хабар олиб тураемиз. Қорхонамиз фахри бўлган Гулҳебра Умарова кўп йиллардан бери ту-

ман марказида телефончи бўлиб ишляйди. Бундан ташқари бош ҳисобчимиз Давлат Азимов ҳам кўпдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилиб келади.

— Чорак асрдан кўпроқ алоқа соҳасида ишлаб келясиз экан. Шу касбини танлаганингиздан ҳеч афсусланганмисиз?

— Агар афсусланганимда алоқачи бўлмасдим. Ҳар касбнинг ҳам ўз машаққати ва қийинчиликлари бўлади. Уша қийинчиликларга бардош бериш керак.

— Сиз тажрибали алоқачи раҳбар ва бир оддий инсон сифатида айтингчи, одамлардаги қайси фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз?

— Халқимизда ҳовли олма, қўшни ол деган гап бор. Сизга бир воқеани хикоя қилиб берай. Илгари туман марказида ажойиб бир қўшнин бўларди. Гарчи биз турли касб эгалари бўлсак-да, худди акасизлардек эдик. Улар бошқа жойга кўчиб кетишган бўлса-да, ҳозиргача борди-келдимиз бор. Мен аввало инсонлардаги самимийликни, тўғрисизлигини, одамгарчиликни қадрлайман. Ходимларимдан ҳам шунга талаб қиламан.

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур.

**И. АҲМЕДОВ**  
сўхбатлашди,  
Сурхондарё вилояти

## УНУТИШГА ҲАҚКИМИЗ ЙЎҚ...

Турдибой Муродов фронтга урушнинг сўнгги — ҳал қилувчи йиллари йўл олди. Дастрлаб у Воронеж вилоятидаги Варсахлебск шаҳрида жойлашган 175-захира полкида, сўнгра Латвиядаги 132-полкда душманга қарши жанг қилди. У хизмати давомида немис ҳарбий асирларининг вайрон бўлган шаҳарларини қайта тиклашдаги ишларини кузатиб, назорат қилиб борди.

Турдибой ака 1950 йилнинг сентябрида захирага бўшатилгач, кўп йиллар Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги «Катта найманча» алоқа бўлимида почтачилик қилди. Ўз ишига талабчанлиги, меҳнатсеварлиги боис бир нечта фахрий ёрликлар, велосипед ва «Урал» маркали мотоцикл билан мукофотланди.

Турдибой бобо ҳозир 72 ёшда. Турмуш ўртоғи Илаш момо билан 47 йиллик ҳаётлари давомида олти нафар ўғил-қизни тарбиялаб, вояга етказди.

Яқинда фахрий алоқачини зиёрат қилиш ниятида ота-хоннинг хонадонига бўлдим. Сўхбатда шу нарса аён бўлдики, отахоннинг кўп хизматлари сингган меҳнат жамоаси байрамларда уни йўқлаб келмас, ахволидан хабар олмас экан.

Турдибой бобо бундан асло ҳафа ҳам эмас. Юртимиз тинчлиги, осовийшталигидан қувониб, ҳар тонг Оллоҳдан шу нурафшон кунларга етказгани учун шўқрона айтиб, ёшлар ҳақиқига дуо қилиб юрибди.

Биз уруш қатнашчиси, фахрий алоқачига сихат-саломатлик тилаб, эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин деймиз.

**Насриддин ЗШҚУВВАТОВ,**  
Самарқанд вилояти



Сиз суратда кўриб турган ёш алоқачилардан бири — Вячеслав ВОЛОСКОВнинг алоқа соҳасида ишляётганига келгуси йилда ўн йил тўлади. Бу орада у Тошкент электротехника Алоқа институтида ўқиб, олий маълумотли мутахассис бўлди. Аини пайтда у «Сирдарё телеком» ҲХЖнинг Янғиер шаҳар бўлимида бош муҳандис бўлиб ишляпти.

Сайфулла ДАВЛАТОВ олган сурат

## ЯНГИ ҚОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Яқинда «Жиззах телеком» шўбба корхонаси қошида «Жиззах алоқа сервис» таъмирлаш-қурилиш филиали иш бошлади.

— Биз ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб, қорхонамиз қошида «Жиззах алоқа сервис» таъмирлаш-қурилиш филиалини очдик, — дейди қорхона бош директори ўринбосари Одижон Абдуолимов биз билан сўхбатда. — Бу билан биз биринчидан ортқича сарф-харажатларга чек қўйсақ, иккинчидан қурилиш ташкилотларига югурдурдан қутиламиз. Яна бир муҳим томони шундаки, алоқа иншоотларини лойиҳалаш ишлари ҳам мазкур филиалимизда амалга оширилади.

Дарҳақиқат, «Жиззах телеком» шўбба корхонаси қошида ташкил этилган «Жиззах алоқа сервис» таъмирлаш-қурилиш филиалидан умид катта. Филиалда алоқа иншоотларини лойиҳалаш, капитал таъмирлаш, ишга тушириш, соғлаш ишларини бажариш билан бирга шаҳар ва қишлоқ жойларда турар-жой ва ишлаб чиқариш биноларини, алоқа корхоналари иншоотларини қуриш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, шартномаларга мувофиқ ташкилотлар, қорхоналар, жамоа ширкат ҳўжаликларига баъзи пуниёткорлик ишлари олиб борилади.

Келгусида филиалда аҳолига пунилик хизмат кўрсатиш, алоқа соҳаси учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш шунингдек, халқ хўнарамандчилиги устакхоналарини очиб, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйлади.

**Й. УРДУШЕВ,**  
жамоатчи муҳбиримиз,  
Жиззах вилояти

## • 1998 йил — Оила йили

# БАЙНАЛМИЛАЛ ОИЛА

Елена Андижон вилоятининг Куйганёр қишлоғига келин бўлиб тушганида бир умр шу заминда қолиб кетишини ўйламаган бўлса керак. Россиянинг Калинин шаҳрида болалиги, ўсмирлиги кенган Елена Кўчқорбой Отақуллова турмушда қичди. Уч қиз, икки нафар ўғилнинг онаси бўлди. Почта қорхонасида хат ташувчи, назоратчи, Куйганёр алоқа бўлими бошлиғи вазифаларида ишляди.

Елена она ҳар бир мижозга ширинсуханлик, ҳушқачқаклик билан муомала қилар эди. Мижозлар юмуши тез ва сифатли бажарилганига ҳурсанд бўлишарди. Байналмилал жажжи оилада камол топган тўнғич фарзанди Эргашбой электромонтёр, қизи Жамила «Андижон почтаси» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти Шахристон шохбачасида ҳисобчи, Матлуба «Сайёр-Тиксанте» ўзбек-турк қўша корхонасида муҳандис, Алишер енгил машиналарга хизмат кўрсатиш устанонасида раҳбардир. Кенжа қизи Лайло эса Андижон тибобит институтини битириб, Қўрғонтепа туманидаги Дардақ қишлоғи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Турмуш ўртоғи Кўчқорбой ака тайёрлов идораларида, умумий овқатланиш қорхоналарида ишляди.

Почта алоқа қорхонасида Елена Фёдоровна Отақуллова 35 йил меҳнат қилди. Ҳозир нафақада. Шу оилага келин бўлиб тушган Одинахон қайнонаси бошлаган ишни давом эттирмоқда. У 22 йилдан буён телефончиликда ишляётган бўлса, унинг турмуш ўртоғи Эргашбой

Куйганёр темир-бетон заводида электромонтёрлик қилди. Улар ўғиллари Бахридирдини уйлантиришди, қизлари Мурдубатни келин қилиб узатишди. Бахромдин, Бахридирдин институтда ўқишмоқда.

Одинахон тажрибали телефончи, ўз касбига сардоқ билан қарайди. «Андижон телеком» ҲХЖнинг Куйганёр шохбачаси замонавий бинога жойлашган. Шаҳарларга сўзлашув маскани барча талабларга жавоб беради. Кутуб зали бор. Набзатчилик иш тартиби бўйича ишляётган Одинахон билан анча сўхбатлашдим. У бизга иш жараёнидаги муаммоларни ҳам дадил гапириб берди: «8 рақамли орқали шаҳарларга сўзлашувга мижозларнинг қишлоғай қилиш холлари кўп бўляпти. Бунинг оқибатида мижозлар 07 орқали бизга мурожаат қилишмоқда. Уларнинг буюртмасини қабул қилиб, айтилган шаҳар билан алоқани боғлаб бериш ҳазилакам гапмас. Бир галги набзатчилик лойиҳада ана шундай мижозларнинг юздан ортигига хизмат қиламан. Олдинлари 09 да телефонга жавоб берадиган ходимлар бўларди. Кейинги пайтда 09 хизматини ҳам бизнинг зиммамизга юкляшдик».

Хуллас, байналмилал оиланинг ўзига яраша қувончлари ва ташвишлари бор. Оила йилида ана шу хонадон аъзоларига омад ва қувонч тилаймиз.

**Қўлдош ҲОЖИМАТОВ,**  
жамоатчи муҳбиримиз,  
Андижон вилояти

«Жиззах телеком» шўбба қорхонаси ҳамда вилоят бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси жамоалари қорхонанинг Бахмал тумани филиали собик раҳбари

**Бойжигит ИСМОИЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

**Насриддин ЗШҚУВВАТОВ,**  
Самарқанд вилояти



• Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

# МУҲАДДИСЛАР ИМОМИ

**Республикамиз ҳукумати-нинг қарорига кўра номи бутун дунёга машҳур, ҳадисшунос олим, «барча муҳаддисларнинг имоми» деган шарафли номга сазовор бўлган, ислом оламининг энг муътабар кишиларидан бири, ватандошимиз — Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланадиган бўлди.**

Имом Бухорий ҳижрий сананинг 194 йили, шаввол ойининг 13 куни, мелодий 810 йилнинг 20 июлида Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Отаси — Исмоил ўз даврининг етук олимларидан бўлиб, машҳур олимлар Имом Молик, Ҳаммод ибн Зайд қабиладан ҳадис сабоқларини эшитиб, бошқаларга ҳам дарс берганликлари тарих китобларида зикр қилинади. Имом Бухорийнинг отаси замонасининг етук олими бўлиш билан бирга ўта тақводор ва гоят парhezкор зохид ҳам эди. Вафоти олдиндан «мени молимига ҳаромдан, шубҳали нарсалардан бир дирҳам аралашганини билмайман» деб айтган экан. Афсуски, у киши Имом Бухорийнинг ёшлик пайтларида вафот этади ва Бухорий онаси тарбиясида қолади.

Имом Бухорий 16 ёшга етганидаёқ Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳадис ҳақидаги китобларини ёдлаб бўлган эди. Абу Ханифа шогирдларининг китобларининг барчасини ўрганиб бўлди. Бироз ўтиб онаси ва акаси Аҳмад билан бирга Маккага — ҳаж зиёратига йўл олади. Маккаю Муҳаррама ва Мадинаю Мунавварани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этади. Кейин ўша ерда қолиб,

ҳадис илмини ўрганишга астойдил бел боғлайди. Ривоят қилинишича, бир кеча тушларида Ҳазрати Пайгамбар алайҳис-саоломи кўради. Имом Бухорий кўлларида бир елпигич билан пайгамбаримизни елпиб турган эмиш. Бу тушининг таъбирини уламолар «Сиз Расулуллоҳ ҳадисларидан ёлғон ва ботил нарсаларни йўқ қиласиз» деб таъбир қилишади. Шундан кейин ҳадис илмини ўрганиш ва ҳадис жамлаш мақсадида Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод шаҳарларида бир неча маротаба бўлади. 17 ёшидаёқ Маккада «Саҳобий ва тобеъинлар сўзи ва фатвоси» асарини, 18 ёшида Мадинада «Ат-Тарих Ал-Кабир» китобларини ёзиб тугатади.

Имом Бухорий беқиёс эҳн ва заковат эгаси ҳам эди. Бағдодга келган пайтларида у ердаги олимлар бу кишини синаш мақсадида 600 ҳадисни бир-бирига қориштириб тақдим қиладилар. Имом Бухорий ҳар бир ҳадисни тартиб билан ўз жойига қўйиб, ёддан ўқиб беради.

Имом Бухорий 20 дан ортиқ асар ёзиб, нихоятда қимматбаҳо илмий, маънавий меърос қолдирди. Бу асарлар орасида Имом Бухорий номини бутун дунёга машҳур этгани шубҳасиз «Ал-Жоме Ас-Саҳиҳ»дир. Бу китоб ислом оламида «Саҳиҳи Ал-Бухорий» номи билан ҳам машҳурдир. Бу асар Имом Бухорийнинг 16 йиллик тинимсиз меҳнатлари, изланишлари меваси сифатида дунёга келган. Ҳадисларни китобга туширишдаги услубларни ўзлари шундай ҳикоя қиладилар: «Ҳар бир ҳадисни китобга ёзиш учун гусл қилардим ва икки ракаат номоз ўқурдим. Китобда зикр қилинган ҳадисларни 60000 ҳадис ичидан танлаб олдим». Бу асар ёзилганига XII аср бўлганига қарамай исломдаги энг муътабар китоб — Куръони Каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Имом Бухорийгача ҳам муҳаддислар кўп бўлган. Улар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини киритаверганлар, ваҳоланки, ўша даврларда маълум бир мақсадларда тўқилган сохта ҳадислар ҳам кўп бўлган. Имом Бухорийнинг улкан хизматлари шундаки, у киши ҳадисни ишончли эканини аниқлаб, далиллар билан исботлаган ҳолда мавзуларига қараб бобларга бўлиб, китоб тарикасида тақдим этганлар. Асарнинг дастлабки нусхаларидан кўчирилган саккиз жилдлик нусхаси ҳозир ҳам Истамбулда сақланмоқда. Китобда жамланган пурмаъно сўз ва ҳикमतлар асрлар оша маънавий баркамол, етук инсонларни тарбия қилишда катта аҳамият касб этиб келмоқда, шу боис ҳам Имом Бухорийнинг табаррук номлари бутун ислом оламида алоҳида ҳурмат ва эътибор билан тилга олиниб келинмоқда. Мадрасаларда Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари буйича дастури амал сифатида ўқитилмоқда. Муборак ҳаж сафарларига борган ўзбекистонликларга буюк алломанинг ватандошлари дея катта ҳурмат, эътибор билан қаралмоқда. Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, кейинги йилларда тўрт жилдлик «Ал-Жоме Ас-Саҳиҳ» китоби қайта чоп этилди. Маънавиятимизнинг бу бебаҳо хазинаси билан танишиш бахтига муяссар бўлдик. Тошкент ислом олий институтининг Имом ал-Бухорий номи билан аталishi ҳам халқимизнинг ажойиб фарзанди, ватандошимиз, аллома бобоимизга бўлган ҳурматимизнинг рамзидир.

**Шухрат РАШИДОВ,**  
Имом ал-Бухорий номли  
Тошкент ислом олий  
институтининг толиби



Бухоро. Минораи Калон.  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ГАБРОВО ЛАЙИФЛАРИ

### ОРАСИ ОЧИК

Габроволик танишидан бир лев қарз олган эди. Таниши ҳар куни уйига қарзини қистаб келавериб безор қилиб юборади. Габроволик эса ҳар гал танишини сигарета билан сийларди. Ахирги таниши ўзини марта келганида габроволик ён дафтарчасига қараб, шундай дейди:

— Мана энди нихоят орамиз очик — бир лев пулингни чекиб бўлдинг!

### МЕҲМОНДЎСТЛИК

Габроволикнинг ҳузурига ҳарбийда бирга хизмат қилган ўртоғи меҳмон бўлиб келади. Мезбон меҳмонга шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатади. Узоқ айланиб юришгач, тушлик маҳали габроволик меҳмонни бир ресторан олдига бошлаб келиб, дейди:

— Сен бу ерда арзонроққа овқатланиб оларсан, мен унганча бирров уйга бориб келаман...

### ИЛК САБОК

Ота ўғлига янги ботинка олиб беради. Оқшомда улар қариндошлариникига меҳмонга жўнайдилар. Йўлда ота ўғилдан сўрайди:

— Сен янги ботинкангни кийганмидинг?  
— Ҳа, ота.  
— Ундай бўлса имиламай, қадамингни каттароқ ташлаб юр!

### ҲАММОМДА

— Ваннага паттанинг нархи қанча?  
— Икки лев.  
— Мана сизга бир лев, сувни ваннанинг ярмигача қуйинг.

## ХАТ ШУНДАЙ ЮЗАГА КЕЛГАН...

Хат одамлар ўртасида алоқа ва муносабат воситаси сифатида узоқ тарихга эга. Зеро, ҳали ёзув пайдо бўлмасдан анча илгари ўзига хос хат маъжуд эди.

Кўйида хатларнинг шаклланиши, мақсад ва вазифалари тўғрисида қисқача тўхталамиз. Одамлар сафоси, маълумотлари бир-бирларига биндиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Америка қитъасида яшagan қадимги ҳиндлар бунинг учун чиганоқлардан фойдаланишган.

Маълум ранг, шакл ва миқдорда олинган чиганоқлар шодаси муайян бир фикрни билдирган.

Кейинчалик чизма усулдаги яъни, ҳар турли белги ва шакл тарзидаги хат вужудга келади. Тошларга ва гор деворларига қадимги одамлар томонидан уйи туширилган турли-туман тасвирларни ўшандай хатларнинг намунаси дейиш мумкин.

Қадимги Юнонистонда махсус мак-

туб жанри бўлган, у жамиятнинг олий табақаси орасида кенг тарқалган эди. Юнон файласуфлари, олимлари, нотиклари, сиёсий арбоблари бундай мактубларда ўзларининг фалсафий ва ахлоқий қарашларини ҳамда бошқа фикрларини баён қилганлар. Эраимиздан аввалги IV асрда яшаб ўтган машҳур юнон олими Арастунинг ўша замондаги подшоҳлар — Файлакүс ва Исқандар номига ёзган мактублари шулар жумласидан. У мактублар сиз билан биз ёзадиган оддий хатдан фарқланиб, кўпчиликка ошқор бўлиши, кенг жамоатчиликка тарқалиши мумкин эди. Шунга кўра, бундай хатларни «очик хат» деб аташарди.

«Очик хатлар» кейинчалик ҳам кенг расм бўлди. Улар бадий ва услуб жиҳатидан анча пишиқ ёзилган. Алишер Навоийнинг машҳур шоир Жомийга йўллаган мактубларини бадий адробиётдаги «очик хатлар»нинг энг яхши намуналаридан дейиш мумкин.

## АЖАБ ДУНЁ

би шундаки, бу шаҳарчада 18 минг аҳоли яшади. Эркаларнинг уч мингдан ортининг исми эса бир хил, хатто фамилияси ҳам. Бу борада аёлларнинг ҳам аҳолини яхши деб бўлмади. Шунинг учун телефон маълумотномасини анча-мунча мукамалроқ қилишга тўри келган.

\*\*\*

Испаниянинг Гранада шаҳри фуқароси Алехандро Осорнос тўпни боқи билан ўйнаётган футболчиларни кўрса, мийидаги қулиб қўяди. Бунинг сабаби бор, албатта. 23 ёшли бу йигит боқи билан футбол тўпини эмас, балки уч килогача бўлган турли тошларни бемаъл 4-5 метр масофадан боши билан қабул қила олади. Маълум бўлишича, Осорноснинг бош суяги оддий одамларникига нисбатан бирмунча қалин экан.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги  
Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Абдувоҳид ЖўРАБОВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолій КУДИНОВ  
Иzzат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Маъбул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам КОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Саидмаҳмуд АҚБАРОВ  
Шоҳруҳ АҚБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
**ИНДЕКС:** 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлёмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар маъсулияти муаллифлар зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-048. 12926 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
1 2 3 4 5 6



ДУШАНБА, 25

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.30 «Тахлинома».  
8.30 Лирик тароналар.  
8.50 «Ўзлик». Бадий-публицистик  
қўсувта.  
9.15 «Ургинчак тўри». Телесернал.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янги-  
ликлар.  
10.05 «Жаҳон спорт».  
10.15 Кино янгиликлари.  
10.30 Кундузги севас. «Мария, Мирабел-  
ла Трансторрида». Бадий фильм.  
11.40 «Жараён».  
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси  
дўстоналар ансамблининг концерти.  
12.30-14.00 Футбол. Ўзбекистон чемпио-  
нати «Нефтчи» (Фаргона) — «Навбахор»  
(Наманган).

00.10 - 00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!  
III  
17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси.  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40  
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35



11.30 «Аҳаб саодат зурр...». Бадий-пуб-  
лицистик қўсувта.  
12.05 Болалар учун. «Ёш куч».  
12.20 Кундузги севас. «Сўнгги пушаймон».  
Бадий фильм.  
13.35-14.00 «Кетмас давлат берсин».

20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Сўнгги кўнгирак».  
21.10 «Яши дам олинг».  
21.25 «Саҳрои кабир сирин». Телесернал.  
22.15 «Даракчи».  
22.25 Оҳанглр ва эълонлар.  
22.30 Саргуашт фильмлар экрани.  
21.00 Бокс. Бокс. Бокс.  
23.30 - 23.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

хуш келибсин!  
«Америкага бир назар» қўсувтага ило-  
ва: инглиз тили ҳамма учун.  
17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05 Авторейд.  
19.15 «Далия ва шарҳ».  
19.30 «Рақсалр ёшлиғида».  
19.55, 22.05 «Эълонлар».  
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесернал.  
20.45 «Ассалом, Франция!».  
21.10 «Осиё монитори».  
21.30 «Бу ажиб дунё».  
21.45 Хит-коллекция.  
22.10 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ.  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05 «Сен ҳақидага ва сен учун».  
19.20 «Тасвир-98».  
19.40 «Солиқ ҳақида сабақлар».  
19.55, 21.50 - Эълонлар.  
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесернал.  
20.45 Муслиқий лаҳза.  
20.50 «Медицина - сизлар учун».  
21.15 Муслиқий лаҳза.  
21.20 Телефакс.  
21.30 Хит-коллекция.  
21.55 «Кунвоқ кино».  
23.15 - 23.25 «Хайрли тун!».

Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40  
20.40 «Муслиқа ҳамма учун». Муслиқий  
қўсувта.

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 Оқшар совриндорлари: «Тунда со-  
дино бўлган воқеа». Бадий фильм.  
23.20 - 23.40 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05, 21.40 - Эълонлар.  
19.10 «Морена Клара». Телесернал.  
19.55 «Уй останада бошланади».  
20.25 «Наволарда аён этсам».  
20.45 «Бу бўстон ар...».  
21.10 «Дурдаршан».  
21.45 Киноматограф. «Туш ўғидан келди  
ёки чамодан».  
23.00 Араб эстрадаси.  
23.25 - 23.35 «Мунаввар тонг истаб...».

ЯКШАНБА, 31

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 Болалар учун. «Камалат». Азим Суён.  
«Эгулик ва ёвулик» фильм-спектакль  
премьераси. 2-қисм.  
10.00 «Ёшлар» телеканали:  
1. «Ватанига хизмат қиламан».  
2. «Ҳазиллар ёшлиғида».  
3. «Дунё кўрб, дунёлар ярат».  
4. «Қалбат бекати».  
5. «Кўйга, ёшлиғи».  
12.20 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.  
12.55 «Азарга Инсон».  
13.10 «Ташарига кўнган кўнги».  
13.30-14.00 «Болаларнинг - пошоллигим».

ЧОРШАНБА, 27

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 «Гулаш диёрим». Муслиқий дастур.  
8.55 «Бугуннинг ўйлари».  
9.10 «Ургинчак тўри». Телесернал.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янги-  
ликлар.  
10.05 «Ишон ва замин». Тележурнал.  
10.25 Алифбо сабақлари.  
10.55 Болалар учун. «Кичкинтоймиз - ги-  
жингоймиз».  
11.15 «Соғлом авлод - соғлом миллат».  
11.30 «Акс-садо».  
11.55 «Хат чашмалари».  
12.30 «Чамлион билан урдашув».  
12.45 Кундузги севас. «Бембининг бола-  
лиги». Бадий фильм.  
14.10-14.30 «Маърифат маскани».

17.15 Қўсувталр тартиби.  
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид  
қолдузи».  
18.25 «Таян нуктаси».  
18.45 «Асрлар навоси». Муслиқий дастур.  
19.05 «Химмат».  
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.60 -  
Эълонлар.  
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).  
19.55 «Талим-тарбия миллий дастури -  
амалда».  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Ихтисодий чорраҳаларида».  
21.20 Бир жўрт қўшиқ.  
21.30 «Сиеваст оламиди».  
21.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Ви-  
деофильм. 5-қуй.

Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40  
20.40 «Юлдузлар мангу ёнади».

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади».  
22.00 - 22.20 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05 «ТВ-таширф».  
19.25 «Минг бир маслаҳат».  
19.35 «Дўстим ҳақида».  
19.50 Клип.  
19.55, 21.25 - Эълонлар.  
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесернал.  
20.45 «Ракурс». Бадий-публицистик  
қўсувта.  
21.15 «Каталог».  
21.30 «Киносалон».  
23.00 - 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.  
8.40 «Муслиқа бўстони». Телеальманаҳ.  
9.00 «Хайр, мунаввар даргоҳ».  
9.40 «Шоҳрух» клуби.  
10.00 «Эйратар».  
10.10 «Ёшлар» телеканали:  
1. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».  
2. «Мен билган, билмаган дунё».  
3. «Сизга ўшагим келадди».  
4. «Қуноқлар ва зуклолар».  
12.10 Кундузги севас. «Давлати рицар  
Айвонг ҳақида қисса». Бадий фильм.  
13.35 «Йилга, изага, топ!» Телебеллашува.  
14.20 «Зийнат».  
14.40-15.10 «Маънавият». Бадий-пуб-  
лицистик қўсувта.

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 «Дунёқараш». Тележурнал.  
22.00 - 22.20 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05, 21.50 - Эълонлар.  
19.10 «Морена Клара». Телесернал.  
19.55 «Жаҳон».  
20.15 «Чинор» видеоанали:  
«Дилар»  
«Рангикамон»  
20.55 Муслиқий танаффус.  
21.00 «Умр баҳорин»  
21.20 «Спорт-тайм».  
21.55 Киноматограф «Тўғри сўзининг  
тўқмоғи».  
23.10 - 23.20 «Хайрли тун!».

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 «Билиб қўйки, сени Ватан кутади».  
22.00 - 22.20 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05 «ТВ-таширф».  
19.25 «Минг бир маслаҳат».  
19.35 «Дўстим ҳақида».  
19.50 Клип.  
19.55, 21.25 - Эълонлар.  
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесернал.  
20.45 «Ракурс». Бадий-публицистик  
қўсувта.  
21.15 «Каталог».  
21.30 «Киносалон».  
23.00 - 23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 26

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.  
8.40 «Ўзбектелевидениси» намоиш этади:  
«Қўшиқчилар яшар муҳаббат».  
9.00 Биржа ва банк хабарлари.  
9.15 «Ургинчак тўри». Телесернал.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янги-  
ликлар.  
10.05 Инглиз тили.  
10.35 «Олам ва одам».  
10.50 Болалар учун. «Гулчўчалар».  
11.15 «Ортим жамолни». Публицистик  
қўсувта.  
11.30 Ўзбек кўйларидан концерт.  
12.05 «Турон тулпорлари». Спорт дасту-  
ри.  
12.25-14.00 Кундузги севас. «Мудҳиш  
хато». Бадий фильм.  
17.15 Қўсувталр тартиби.  
18.10 «Оромгоҳлар мавсумига шайми?».  
18.35 «Хўнчарман». Тележурнал.  
18.50 «Шеър ва шарҳ».  
19.00 «Мулкдор».  
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 -  
Эълонлар.  
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).  
19.55 «Ҳамкорлик истиқболлари».  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Олтин мерос». Н. Аҳмедова.  
21.30 «Акс-садо».  
22.00 «Сехриш шўъла». Киноқўсувта.  
22.20 «Дифр». Тележурнал.  
23.20 «Аҳборот».  
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 21.50  
21.50 «Қўқонди латиф ёдгорликларини». Те-  
лефильм.

Россия давлат телевидениеси.  
22.00 - 22.35

22.35 Эълонлар.  
22.40 «Биз қандай дам оляптик?».  
23.00 - 23.20 «Аҳборот» (рус тилида).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 Қўсувталр тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05, 21.35 - Эълонлар.  
19.10 «Морена Клара». Телесернал.  
19.55 Муслиқий дақиқалар.  
20.00 «Спорт-лотто».  
20.10 «Дунё ва болалар».  
20.30 «Азиям».  
20.55 «Автосалтанат».  
21.00 «Дурдаршан».  
21.40 «Олтин ҳазина».  
22.40 - 23.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 «Дилнавоз садолар». Муслиқий дасту-  
ру.  
8.50 «Ўзюма-оз».  
9.10 «Ургинчак тўри». Телесернал.  
10.00, 12.00, 14.00, 17.40 - Янги-  
ликлар.  
10.05 «Талаб ва тақдир».  
10.30 «Немис тили».  
11.00 «Меҳр макони».  
11.20 Болалар учун. «Компьютер  
сабақлари».  
11.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
12.05 «Халқ иқодиети».  
12.30 Кундузги севас. «Жабр-  
ланувчиларнинг даввоси йўқ». Бадий  
фильм.  
14.10-14.30 «Қишлоқ ҳаёти».

17.15 Қўсувталр тартиби.  
17.50 «Пахтакор». «Ўзкинхроника» премь-  
ераси.  
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати  
«Пахтакор» (Тошкент) — «Насад» (Қарши).  
Танаффус пайтида - «Омонлик тилай-  
миз».  
19.50 «Аҳборот» (рус тилида).  
20.25, 20.55, 22.10 -  
Эълонлар.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Ихтисод алифбоси».  
21.30 Халқ хўфчалари кўлаёиди.  
22.15 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Ви-  
деофильм. 6-қуй.  
23.15 «Битик».  
23.45 «Аҳборот».

9.00 Қўсувталр тартиби.  
9.05 «Сир».  
9.20 «Дилбарим».  
9.40 «Спорт қитъаси».  
10.10 «Сўз ва сўз оҳанглари».  
10.40 «Лавжой». Телесернал.  
11.30 Дубляж.  
11.50 Болалар экрани.  
13.20 Шарҳ эстрадаси.  
13.35 «Нью-Йорк». Телесернал.  
14.25 «Садмлар орасида».  
14.45 «Эгиз қўшиқлар».  
15.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сир-  
лари». Телесернал.  
15.55 «Хонадонингизга осийшталик ти-  
лаймиз».  
16.25 Бокс. Бокс. Бокс.  
16.45 «Шарк тароналари».  
16.55 «Санта Барбара». Телесернал.  
17.40 «Ерилотто». Мульттўғлам.

ПАЙШАНБА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
8.00-8.25 «Аҳборот».  
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.  
8.40 «Наво таралисин». Муслиқий дастур.  
9.00 «Боксёр тўйлар».  
9.15 «Ургинчак тўри». Телесернал.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янги-  
ликлар.  
10.05 «Жаҳоҳирлар бўстони». Адабий  
қўсувта.  
10.30 «Янги алифбонинг ўрганилмади».  
11.00 «Ихтисодий чорраҳаларида».  
11.20 «Фаройиб ов». Мультфильм.

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 «Мунаввар дунё» дам олиш дастури  
«Азиз синимолар».  
00.30 Бадий фильм.  
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

17.15 Қўсувталр тартиби.  
18.00 «Даракчи».  
18.10 «Боланинг тили».  
18.30 Спорт қитъаси.  
19.00 «Таянч».  
19.15 «Қонун ҳомосида».  
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Эълон-  
лар.  
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).  
19.55 «Бизнес-академия».  
20.15 «Гулдаста».  
20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Сўнгги кўнгирак».  
21.10 «Кўнгил кўнгила пайванд».  
21.30 Халқаро Болаларни химоя қилиш  
қўнига. «Мафтунок чехралар».  
22.00 «Даллас». Телесернал.  
22.45 «Даракчи».  
22.55 Оҳанглр ва эълонлар.  
23.20 Киноингоҳ  
00.20 - 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

Россия жамоат телевидениеси.  
17.40 - 23.05

23.05 Эълонлар.  
23.10 «Минг бир кеча». Дам олиш дасту-  
ри.  
23.30 - 23.55 «Тахлинома» (рус тили-  
да).

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.15 Қўсувталр тартиби.  
18.00 «Даракчи».  
18.10 «Боланинг тили».  
18.30 Спорт қитъаси.  
19.00 «Таянч».  
19.15 «Қонун ҳомосида».  
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 - Эълон-  
лар.  
19.30 «Аҳборот» (рус тилида).  
19.55 «Бизнес-академия».  
20.15 «Гулдаста».  
20.30 «Аҳборот».  
21.00 «Сўнгги кўнгирак».  
21.10 «Кўнгил кўнгила пайванд».  
21.30 Халқаро Болаларни химоя қилиш  
қўнига. «Мафтунок чехралар».  
22.00 «Даллас». Телесернал.  
22.45 «Даракчи».  
22.55 Оҳанглр ва эълонлар.  
23.20 Киноингоҳ  
00.20 - 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

17.15 Янгиликлар.  
Россия жамоат телевидениеси  
6.30 - 8.00  
17.20 - 20.40

Россия давлат телевидениеси.  
21.00 - 21.35

21.35 Эълонлар.  
21.40 «Мунаввар дунё» дам олиш дастури  
«Азиз синимолар».  
00.30 Бадий фильм.  
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

17.15 Қўсувталр тартиби.  
18.00 Қўсувталр тартиби.  
18.05 «Даракчи».  
18.15 «Бугуннинг боласи».  
18.35 «XX асрнинг улғу жумбоқлари». Те-  
лесериал.  
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».  
19.25 «Бнмаган азулар».  
19.45, 20.10, 20.25, 20.55 - Эълон-  
лар.  
19.50 «Аҳборот» (рус тилида).  
20.15 «Нозик мўъжиза».

Россия жамоат телевидениеси.  
17.30 - 20.35

20.35 Эълонлар.  
20.40 - 22.25 «Шериф». Бадий фильм.  
IV  
10.00 «Спектаклдан сўнг».  
10.25 Эълонлар.  
10.30 «Шанба эртаги».  
11.40 - 12.10 «Кросс-Роудс» кафесига

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».

17.10 - 18.45 ТУРКИЯ  
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
18.45 «Мульттомоша».  
19.00, 21.55 - Эълонлар.  
19.05 «Кобра». Телесернал.  
19.45 Клип.  
19.55 «Бугунги кун мавзуси».  
20.10 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».  
20.40 «Муслиқий Олимп».  
21.00 «Сосот» ҳузурда.  
21.25 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
22.00 Киносалон.  
23.30 - 23.40 «Хайрли тун!».